



РЕСПУБЛИКАМИЗДА МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ХИМОЯЛАНГАНЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МАВЖУД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИНГ ТАҲЛИЛИ

Жалолов Алишержон Абдуҳомид ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
Университети Магистратураси тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7359288>

ARTICLE INFO

Received: 14th November 2022

Accepted: 21st November 2022

Online: 24th November 2022

KEY WORDS

Жамоат хавфсизлиги,
жамоат тартиби,
маъмурий-ҳуқуқий тартибга
солиш, табиий офатлар,
фавқулодда вазиятлар,
хавфсизлик, фаолият,
давлат органи, концепция
қонунчилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва моҳиятини назарий таҳлил қилиш, унинг мазмунини очиб бериш жуда муҳим рол ўйнайди. Хулоса шуни кўрсатадики, жамоат хавфсизлиги - бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз амалга оширишни таъминлаш, хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган жамоат муносабатларини ҳимоя қилишнинг етарли ҳолати бўлиб, уларнинг мавжудлигига потенциал ёки реал хавфлар махсус ваколатли давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг фаолияти натижасида эришилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш масалаларига оид

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагоқда.[1]

Сўнги вақтларда дунё миқёсида диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучайиб бораётганлиги, халқаро (трансмиллий) уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги ҳудудларда, хусусан табиий ва меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга



борган сари кўпроқ уринаётганлиги, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши кенгайиб бораётганлиги, миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг тезлашиб бораётганлиги жиноятчиликнинг, хусусан унинг халқаро уюшган шакллари кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Бундай вазиятда миллий хавфсизликнинг бир тармоғи сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавжуд маълумотлар таҳлиliga кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самардорлигини оширишга ҳуқуқий асосларнинг мукамал эмаслиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, хорижий мамлакатларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалиётига кўра, Россия Федерациясининг жамоат хавфсизлиги Концепциясида жамоат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг бир қисми сифатида баҳоланиб, унда мақсадлар, вазифалар, принциплар, жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар ва уларнинг вазифалари белгилаб берилган ва РФ миллий стратегияси мақсадларига мос равишда ишлаб чиқилган ҳамда 2013-2020 йилларни қамраб олган.

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи концепция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябр кундаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

шаҳар ва ҳудудий инфратузилма бошқарувининг замонавий интеллектуал тизимлари жорий қилиниши ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар, жумладан уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, транспорт логистикаси, шошилинч хизматлар, уларни интеграциялаш ҳамда «Ақлли шаҳар» ва «Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексига бирлаштириш бўйича ишларни олиб боради;

«Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш ва янада ривожлантириш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқади, ягона технологик ёндашувни таъминлайди ва ягона талаблар, меъёрлар ҳамда мезонларни белгилайди, комплексни «Электрон ҳукумат» тизими ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялаш чораларини кўради;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон қарори ва



Жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашда, хавфсизлик ҳолатини комплекс баҳолаш, уни доимий равишда мониторинг қилиб боришни таъминловчи ягона индикаторларнинг ишлаб чиқилмаганлиги салбий таъсир ўтказмоқда. Бу борада жамоат хавфсизлигига оид рейтингларни олиб борувчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан турли хил индикаторлар асосида давлатлардаги жамоат хавфсизлиги ҳолати баҳоланмоқда.

Хусусан, DYRS агентлиги томонидан жамоат хавфсизлигини баҳолашда умумий жинойтчилик, зўравонлик, гиёҳвандлик, шахсий ҳаётга бўлган жинойтлар, озодликдан махрум этилган шахслар орасида ёшлар улуши, такрорий ва ретсидив жинойтлар улуши каби индикаторларни ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, Шунингдек, “Basel AML Index” ва “Global Terrorism Index” (GTI) мамлакатдаги жамоат хавфсизлиги даражасини банк тизимининг жинойий даромадларни легаллаштириш ва террорчиликни молиялаштириш бўйича имкониятларини, коррупцияга мойиллик, давлат ва молия секторлари фаолияти шаффофлиги, амалдаги сиёсий тузум ва маҳаллий қонунчиликнинг ўзига хосликлари каби индикаторлардан фойдаланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга миллий қонунчиликда ушбу соҳани тартибга солувчи ягона ҳуқуқий асоснинг керакли даражада тўлиқ бажарилмаётганлиги, салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, жамоат хавфсизлиги ҳолатини комплекс баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш мақсадида индикаторлар ва уларнинг чегаравий қийматларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Шундай қилиб, “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига оид илмий позицияларнинг юқоридаги таҳлили ва кўрсатилган белгилар “жамоат хавфсизлиги” деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак. Бу уларнинг мавжудлигига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда умумий ва махсус ваколатли давлат органлари тизими, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар фаолияти натижасида эришилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг



ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори